O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 22-avgust • № 34 (3966)




## ЁШЛАР ЙИЛИ «НИҲОЛ»ЛАРИ

***Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида муҳташам "Истиқлол" саройида Президентимиз томонидан санъат оламидаги ёш истеъдодлар учун таъсис этилган "Ниҳол" мукофотини совриндорларга тантанали равишда топшириш маросими бўлди.***

Бугун санъатимиз бўстонида эндигина қад ростлаб келаётган ниҳолларга эътибор катта. Уларнинг қалбида олам-олам орзулар... Ана шу орзуларнинг амалга ошиши йўлида саккиз йил аввал юртбошимиз томонидан таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти ёш истеъдодларга катта илҳом бермоқда. Эзгуликка чорлайдиган, имон-эътиқодни мустаҳкамлашга, жамият маънавий ҳаётини янада юксалтиришга хизмат қилишга ундайдиган асарлар яратиш мақсадида таъсис этилган мукофотнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

"Ниҳол" мукофотига сазовор бўлган ёшлар сони бугун саксондан ошиб кетди. Улардан 11 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, биттаси Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист ва яна кўплаб санъаткорлар давлатимизнинг нуфузли мукофотларига эга бўлдилар. Қувонарлиси, ушбу мукофот совриндорлари нафақат юртимиз, балки хориж меҳрини ҳам қозониб улгуришди.

2006 йилдан буён "Ниҳол" мукофотига номзодларни саралаш уч босқичли тизимда ўтказишмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад республикамизнинг чекка ҳудудларида яшаб ижод қилаётган истеъдод эгаларини кашф этиш, уларнинг иқтидорини кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш ва ижодини тарғиб қилишдир. Шу боис бу йил илк босқичда республика бўйича саккиз минг зиёд ижодкор ёшлар "Ниҳол" мукофотини қўлга киритиш учун беллашдилар. Иккинчи босқичда эса 881 нафар ёшлар ўзаро курашдилар. Шулар орасидан 15 нафари ушбу нуфузли мукофотга лойиқ деб топилди.

**Давоми бешинчи бетда.**



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

## ЭЛ СУҲБАТИНИКИ, ОРЗУ ҚИЛМИШМЕН...

***Андижонда ўз даврининг дилбар фарзанди, қомусий билим эгаси, йирик давлат арбоби, олим ва шоир, шоҳ ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.***



Бобур, гарчи узоқ умр кўрмаган бўлса-да, ўзидан катта адабий ва илмий мерос қолдирди. Унинг шеърий девони, ўрта аср туркий адабиётининг насрдаги ноёб қомусий асари – "Бобурнома", "Аруз рисоласи", "Бобурий" хатти, "Мубаййин", "Рисолаи Волидийа" (таржима) рисолалари бизгача етиб келган. Мутахассислар фикрича, бу асарларнинг ҳар бири ўзбек насри ва назми ривожида муҳим босқични ташкил этиш билан бирга, адабий-бадиий фикр тараққиётига қўшилган катта ҳисса ҳамдир.

"Бобурнома" — темурийлар даври XVI аср бошидаги ўзбек адабий тилининг нодир ёдгорлиги эканлиги билан ҳам қимматлидир. Муаллиф уни оддий, айни вақтда, бениҳоя гўзал ва равон тилда яратганки, асар ўзининг шу хусусияти билан ҳам тадқиқотчиларни ўзига жалб этади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, буюк бобокалонларимиз ҳаёти ва илмий-маданий меросини ўрганиш, ёш авлодни улар маънавиятидан баҳраманд этиш имконияти юзага келди. Бундан ўн олти йил аввал ташкил этилган Бобур халқаро фонди шу ўтган давр ичида жаҳоннинг ўттиздан ортиқ мамлакатларига ўн икки марта илмий экспедиция уюштириб, Бобур ва бобурийларга оид 300 дан ортиқ нодир тарихий, илмий-адабий манбаларни қўлга киритиб, мамлакатимизга олиб келди. Шу сафарлар натижасида Хайриддин Султонов, Қамчибек Кенжа ва бошқа муаллифларнинг қатор бадиий асарлари юзага келди.

Улуғ ватандошимиз таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан "Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни" мавзусида ўтказилган халқаро илмий анжуманда Бобур ҳаёти ва илмий-адабий меросини тадқиқ этаётган мамлакатимизнинг қатор етакчи олимлари билан бирга, Япония, Туркия, Миср, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Афғонистон, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлардан келган таниқли олимлар ҳам иштирок этдилар. Икки кун давом этган баҳс-мунозараларда Бобур ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда эришилган ютуқлар билан бирга, келгусида қилинажак ишлар, янги тадқиқотлар зарурати ҳақида ҳам гап борди.

Япониялик таниқли олим доктор Эйжи Мано бир неча йиллардан бери Бобур меросини жиддий ўрганиб келади. Унинг саъй-ҳаракати билан чоп этилган тўрт жилддан иборат йирик тадқиқот "Бобур ва жаҳон маданияти" музейига туҳфа қилинди. Олимнинг илмий анжумандаги маърузаси бобуршуносларда қизиқиш уйғотди: "Ушбу нуфузли илмий анжуман иштирокчилари эътиборини Эрондаги Салтанат кутубхонасида сақланаётган бир нодир қўлёзмага қаратмоқчиман, — деди тадқиқотчи. — Уни "Бобур асарлари тўплами" деб атаган бўлур эдим. Бу қўлёзма тўғрисидаги дастлабки маълумотларни атоқли Заки Валидий Тўғон қайд этиб ўтганлигидан хабаримиз бор. Эронлик олим Отабей кейинчалик унга 4 саҳифалик тавсиф ёзган. Россиялик профессор Султонов Отабей тавсифига суяниб, қўлёзма таркибида "Бобурнома" ҳам мавжудлигини, бу қўлёзма Бобур ҳаёт даврида тузилган бўлиши мумкинлигини тахмин қилган. Бордию шундай қўлёзма нусха мавжуд бўлса, Бобур ижодини ўрганишда тамомила янги саҳифалар очилишига шубҳа йўқ".

**Давоми иккинчи бетда.**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

*Гулдан гулга қўниб саҳар палладан,*
*Болари бол йиғар қирдан, даладан.*
*Шоир ҳам болари бўлсайди агар,*
*Ишин бошлар эди Элликқалъадан.*

Устозимиз Абдулла Ориповнинг ушбу тўртлиги республикамиз ёш ижодкорларининг анъанавий "Ақчакўл илҳомлари" анжумани мазмунини рамзий маънода ифодалайди. Унда шоир Ватанни севиб, ардоқламоғи, юртимиз чиройи ҳамда халқимиз фазилатларини шундай маҳорат билан тараннум айламоғи лозимки, ёзилган шеър бол каби ширин ва асл бўлсин, деган фикр мужассам. Албатта, бу ёш ижодкорларга бир сабоқ. Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўрозбой Абдураҳмонов: "Зомин" ва "Ақчакўл илҳомлари" семинарлари ёзувчи-шоирларни чиқарадиган инкубатор эмас, лекин ҳақиқий истеъдодларнинг тўғри йўлдан юришига кўмаклашадиган мактабдир", деб ёзганди.

Дарҳақиқат "Ақчакўл илҳомлари" анжумани доирасида ўтказилган тадбирлар мундарижаси бу йил илгаригидан кўра кенгроқ ва теранроқ мазмун касб этди. Анжуман иш фаолияти бу гал фақат ёшлар семинари билан чегараланиб қолмади, балки Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний, Амударё туманларидаги элликдан ортиқ дала шийпонлари, мактаб-боғчалар, маҳалла гузарлари, чекка овулларда юртдошларимиз билан учрашувлар ўтказилди. Мустақилликнинг 17 йиллигига атаб қурилган янги бинолар ва иншоотларнинг очилишида шоирларимизнинг шеърлари, ёзувчиларимизнинг дил изҳорлари янгради. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобига бағишланган давра суҳбатлари кўтаринки руҳда ўтди.

**Давоми иккинчи бетда.**

***Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ойлик маошларини ошириш тўғрисидаги қарор ва, айниқса, «ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда бошқа соҳалар мутахассислари қарори ўқитувчиларга ҳам жиддий эътибор берилаётганининг яна бир далолати бўлди.***

## ИЛҲОМБАХШ РАҒБАТ

*Муносабат*

Мен кейинги қарор хусусида баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Ушбу ҳужжатда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом ўз аксини топган. Унда бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ходимлари, ишлаб чиқариш таълими усталари ва раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби белгилаб берилган. Яна бир янгилик ушбу қарорда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директор жамғармаси тўғрисида Низом ҳам тасдиқланган. Бу Низом ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, профессионал тайёргарликни рағбатлантириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг, уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига, ўқувчиларда профессионал кўникмалар шаклланишига қўшган шахсий ҳиссаси билан бевосита ўзаро алоқадорлигини таъминлашга қаратилган.

Низомга мувофиқ ушбу жамғарма маблағларини устама ҳақ, моддий ёрдам ва пул мукофотлари сифатида директор бошчилигида унинг ўринбосари, ўқитувчилар, касаба уюшма ташкилоти раиси, васийлик кенгаши вакили ва ота-оналар кўмитасининг вакилидан иборат комиссия белгиланган тартибда тақсимлайди.

Энг маъқбули ушбу қарорда маданият ва санъат йўналишидаги академик лицей ва коллежларда ишлаётган концертмейстерлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий таъриф ставкалари миқдорлари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, маданият, санъат ва спорт йўналишида республика ва ундан ташқарида жуда кўплаб чемпионат, мусобақа, танлов ва фестиваллар ўтказилиб турилади. Ўқувчи ва ўқитувчиларимиз уларда иштирок этишади ва ғолибликни қўлга киритиб, Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишади. Жорий йилнинг ўзида коллежимиздан Крючкова Анастасия (эстрада қўшиқчилиги), Зинатова Юлдуз (дутор) Москвада бўлиб ўтган «Зажги свою звезду» номли танловда биринчи ўринни, Татьяна Блохин (эстрада қўшиқчилиги) эса иккинчи ўринни қўлга киритишди. Миср Араб Республикасининг Хургада шаҳрида бўлиб ўтган «Қизил денгиз жавоҳири» номли танловда Нишонова Нигора ғолиблардан бири бўлди. Шунингдек, санъат, маданият ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган республика танловида Жалолов Рўзмат (доира), Фаррух Камолов (чанг), Фарангиз Зияева (дутор), Шерзод Шавриков (қашқар рубоби) биринчи ўринларни эгаллаб, ҳозирда уларнинг барчаси олий ўқув юртларига тест имтиҳонларисиз киришга муваффақ бўлишди. Бундай истеъдодларни тайёрлашда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Зияева, бош ўқитувчилар Г.Мухторова, Г.Муҳамедова, Д.Акмалов, Қ.Самадов, Ҳ.Ражабов сингари устозлар ва Ф.Миртурсунова, Ю.Аҳмедова каби концертмейстерларнинг ҳиссаси жуда катта, албатта.

Яқинда эълон қилинган «Ниҳол» давлат мукофоти совриндорлари ичида коллежимизнинг эстрада хонандалиги бўлими битирувчиларидан Ойбек Алимов, Нигора Исмоилова ва Зиёда Қобиловаларнинг борлиги жамоамиз аҳли ва уларнинг устозлари Й.Яқубов ҳамда Д.Бойбобоевларни янада қувонтирди.

Ушбу қарорнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — эндиликда ёш иқтидорли ўқувчилар истеъдодини намоён этишда, танловлардаги иштирокини таъминлашда, уларни тарбиялаб олий ўқув юртларига киришига ҳисса қўшишда фаол меҳнат қилган устоз ва концертмейстерлар директор жамғармаси томонидан муносиб тақдирланадилар. Бу педагогик жамоанинг ўз ишига бўлган муносабатини ижобий томонга тубдан ўзгартиришига шубҳа йўқ.

**Ботир МАТЁҚУБОВ,**
**Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги республика мусиқа коллежи директори**

## ИЖОД САРОЙИГА МАРҲАМАТ!

***19 август куни "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташкилотчилигида V ёшлар форуми бўлиб ўтди. Мазкур тадбир доирасида Ёшлар ижодиёти саройининг тантанали очилиш маросими ҳам ўтказилди.***

Форумда республиканинг барча вилоятларидан келган 700дан ортиқ фаол йигит-қизлар, ҳамкор ташкилотларнинг, мутахассислар ҳамда "Келажак овози" танлови вакиллари қатнашдилар. Тадбир доирасида модалар намойиши, янги клиплар тақдимоти ўтказилди, Ёшлар ташаббуслари маркази фаолияти ҳақида филм намойиш этилди.

Тадбирда, шунингдек, "Келажак овози — 2008" ёзги ўқув лагери якунлари муҳокама қилинди.

Шу куни янги саройда "Навқирон Ўзбекистон" анъанавий ва замонавий санъат фестивали ҳам ўз ишини бошлади. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Бадиий академия томонидан ҳар икки йилда бир маротаба ўтказиладиган мазкур кўргазма 1 сентябргача қадар давом этади.

**Мухлиса ФАЙЗ**



***Ниҳоят ғалаба! Олтин медал! Пекинда ватандошимиз Артур Таймазов мусобақанинг эркин кураш тури бўйича барча рақибларини доғда қолдириб, Олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритди. Унинг шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.***

## ОЛТИН МЕДАЛ МУБОРАК!

Дунёнинг 204 мамлакатидан келган спортчиларнинг маҳорат беллашувларида дастлаб дзюдочи Ришод Собиров бронза медалини қўлга киритганидан хабарингиз бор. Кейин Олимпиада шоҳсупасига таниқли курашчимиз Абдулла Тангриев кўтарилди. Унинг кумуш медали мамлакатимизда курашнинг бу тури муттасил ривожланиб бораётгани, полвонларимиз дунё миқёсидаги нуфузли беллашувларга ҳам тайёр эканлигидан далолат беради.

Орадан кўп ўтмай батутчи Екатерина Хилько ва спорт гимнастикачиси Антон Фокин бронза медалига сазовор бўлишди. Эркин курашчи Сослан Тигиевнинг кумуш медали ўзбекистонлик совриндорлар сафини яна бир кишига кўпайтирди.

Сослан Тигиев Пекинда ўзининг бутун маҳоратини намойиш этди. Дастлаб руминиялик Георгита Стефан устидан ғалаба қозонди. Сўнг грециялик рақибининг курагини ерга теккизди. Ўта ҳаяжонли ўтган ярим финалда Сослан белорусиялик Мурод Гайдаров билан рўбарў келди. Ҳамюртимизнинг аниқ ва шиддатли ҳаракатлари унга ишончли ғалаба келтирди.

Финалда Сосланни россиялик тажрибали курашчи Бувайсар Сайтиев кутиб турар эди. Бу олишувни ҳаммамиз ҳаяжон билан кузатдик. Сослан дастлаб очколар бўйича олдинга ҳам ўтиб олди. Аммо кураш якунида ўзидан саккиз ёш катта рақиби ғалабага эришди. Бувайсар тележурналистлар билан бўлган дастлабки мулоқотида курашчиларга хос дангаллик билан Сосланнинг маҳоратини жуда юқори баҳолади. "Дастлаб мен унга қарши бирор бир ҳаракат ҳам қила олмадим, ажойиб йигит экан, билаги кучга тўла", деганида кўнглимиз тоғдек кўтарилди.



Жаҳон-ЎзА сурати.

Ниҳоят олтин медални ҳам қўлга киритдик. Бу ажойиб ғалабадан руҳланиб турганимизда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таҳририятга қўнғироқ қилиб, ҳозиргина қоғозга тушган ушбу сатрларни ўқиб бердилар:

*Интиқиб кутгандик бу кун, бу онни,*
*Таймазов эришган олтин нишонни.*
*Мен нечун қувонмай Пекинда туриб*
*Дунё олқишласа Ўзбекистонни...*

"ҒАЛЛАБАНК":
сиздан ҳаракат,
биздан
баракат!

"АСАКАБАНК":
ишонч,
унум,
даромад!

